Hujjat 2013 yil 18 fevral holatiga



# БЕШИНЧИ БЎЛИМ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 91 «Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш ва декларациялашни ҳуқуқий тартибга солиш тўғрисида»ги Давлат божхона қўмитаси буйруғига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3-5*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 230-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги ПФ–4455-сон «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 328-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 1993 йил 23 декабрдаги 162-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш ва декларациялашни ҳуқуқий тартибга солиш тўғрисида»ги буйруғига (рўйхат рақами 3, 1993 йил 14 октябрь), иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона қўмитаси раиси** **З. ДУСАНОВ**

Тошкент ш.,
2013 йил 22 январь,
01-02/20-6-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.



WWW.LEX.UZ